



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
24 ноябрь
ШАНБА
№ 96
(12.003)


1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Мардлар қўриқлайди Ватанни!



Олис тоғ қишлоқларининг бирида эрта тонгдан ўзгача жонлиш бошланди. Мўъжазгина майдон турли вилотлардан келган енгил автомобилларга тўлиб кетди.

Биз Зангиота туманидан келдик, — деди мўъсафидлардан бири. — Набирам Дилшодхон бугун харбий қасам қабул қилар экан.

У ўзини Муродхон Файзиев деб таништирди. Отахон кизи Махфуза, куёви Ғиёсхон, унинг оға-инилари билан бира-она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажаришга киришган нуридийдаси қувончига шерик бўлиш учун туни билан йўл юриб, тонгнинг Қамчиқ дорониде қарши-лаб, етиб келибди.

Мен Чиноздан келдим, — деди ўрташар киши. — Кенжам шу ерда

хизмат қилаётти.

Шу пайт харбий қасам қабул қилиш тантанасига етиб келган ота-оналар, қариндош-уруғларни ичкарига таклиф қилишди. Ўзбекистон мадҳияси янграб, Давлат байроғи кўтарилди. Орзикиб қутилган, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ёш аскарлар бирма-бир саф олдида қиқиб, юрт, эл, Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини шараф билан бажаришга қасамэйд қила бошлашди.

— Оддий аскар Дилшодхон Тўйчионов! Алл қоматини тик тутиб, аниқ, дадил қадам

лар билан сардор ёнига бораётган набирасига кўзи тушиб, Муродхон ота қувониб кетди:

— Умрингдан барака топ! Хизматда асло чарчама! Ҳамиша юзинг ёруғ бўлсин! — деб қўйди отахон дуога қўл кўтарайтиб.

Майдонда эса, Ватан ҳимоясига отланаётган, қўлларига қудратли харбий қурол ишониб топширилган ёш аскарлар қасамэйд давом этарди:

— Мен, Ўзбекистон Республикаси фуқароси...

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: оддий аскар Дилшодхон Тўйчионов қасамэйд қилмоқда.

Бекобод «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари кўзги-қишки мавсумга тайёргарлик жараёнида шаҳардаги 7 та, Зафар шаҳарчасидаги 2 та қозонхона ҳамда 53 километрли иссиқлик узатиш тармоқларини сифатли таъмирлади. Барча трассалар иссиқлик қопламалари билан ўралди.

ИСИТИШ ТИЗИМИ МАВСУМГА ШАЙ

Шунингдек, қозонхоналардаги насос ва жўмрақлар созланди. Катта трассадаги иссиқлик узатиш қувурлари юқори босим остида ювиб чиқилиб, 35 километр узунлиқтаги носоз жойлар таъмирдан чиқарилди. 1 километр масофадаги қувурлар изолация қилинди. Манзилли рўйхат асосида 10-болалар богчасидан 6-ва 7-кўп қаватли уйларгача бўлган масофада мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, Зафар шаҳарчасидаги 7-мактаб қозонхонасининг устки қисми ёпилиб, томи махсус қоплама билан қопланди. Бекобод шаҳар Мухаммедов кўчасида 400 метр масофадаги иссиқлик узатиш қувурлари янгисига алмаштирилди. 3-дахдадаги

2-қозонхонадан 10-болалар богчасигача бўлган 0,4 километр масофадаги 273 миллиметрли қувурлар ҳам янгилангач, уларнинг қуввати тубдан ўзгарди. Шаҳардаги «Ғишчилар» кўргони ҳудудида 2 та замонавий «Харакат-1000» русумли қозонлар ўрнатилгани ҳам аҳоли учун қатор қулайликлар яратди. 21 та «СТВК» русумли қозонлар жорий таъмирланди.

— Шунинг билан таъкидлаш лозимки, — дейди бирлашма раҳбари Гофуржон Мадаминов, — иссиқлик узатиш тармоқларини мукаммал таъмирлаш учун «Ўзметкомбинат» томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида 200 миллион сўм маблағ ажратилди.

Хурида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Даврон АХМАД олган сурат.

ЭКОЛОГИК ТОЗА, АРЗОН, ТЕЖАМЛИ

Автомобиллар учун бензин ўрнини босадиган ёнилғига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу даврга қадар бензинга муқобил ёнилғи сифатида электр токи, этил спирти, табиий газ, метанол ва бошқа

на кучайтиради ҳам. Масалан, цилиндрни, поршеньлар тизими узок муддат хизмат қилади, газ цилиндрнинг «девор»лари мойини ювиб кетмайди, ёнилғининг бир маромда ёниши учун унинг ҳаво билан яхши аралашувига қулай шароит яратди, мўлаҳазасизлик мўддатда анча узаяди. Газ деярли тўла ёниб,

поршен, клапан ва сөөчаларда қуйиш ҳоллари бўлмайди, поршен ва тирсакли валлар «юки» енгиллашади. Натижада, двигател ҳам енгил ишлаб, тебраниш ва силтанишлар сезилмайди, моторнинг шовқини ҳам камайди.

(Давоми 2-бетда).

НогаВлат ташкилотларга КўНГИЛЛИЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Зангиота туманида Қизил Ярим ой жамияти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унга қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, 32- ва 34-умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам таклиф қилинди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлимининг раиси Муфәррах Каримова бу жамоат ташкилотининг янгиланаётган фуқаролик жамиятидаги ўрни, фақулдда ҳолатларда инсонларни қутқариш ва биринчи тиббий

ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ҳақида гапирди. Шу кунни 60 га яқин кўнгиллилар Қизил Ярим ой жамияти аъзоллигига қабул қилинди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент туманида

Тадбирда вилоят «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вакиллари, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари, тумандаги ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Мазкур давра суҳбатидан қўзланган асосий мақсад «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда қишлоқ ва маҳалла фу-

«Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асосий институти: маҳалланинг ролини кучайтириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий бўғини» мавзусида давра суҳбати уюштириди.

қаролар йиғинлари раислари ҳамда маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий билим ва малакаларини ошириш, ўзини ўзи бошқариш органлари муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиш ва келгусида маҳалла институтини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Суҳбат давомида ҳокимликлар зиммасидаги қатор ваколат ва ҳуқуқлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтаётганлиги,

Маҳалла ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида пенсионер ва ногиронларга қарийб 406 миллион, кам таъминланган оилаларга 310 миллион, ёлғиз кексаларга эса 195 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга тўрт минг бошдан зиёд қорамол тарқатилди. Вилоятда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш изчил давом этмоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА: зиёрат пайтидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кун


ҲАММА НАРСА ТАХТ

Ангрен шаҳрининг 5/5-дахасидаги кўпқаватли уйларда яшовчи сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кун 33-сайлов участкасида овоз беришади. У тиббиёт коллежи биносига жойлашган. Сайлов комиссияси аъзолари бу муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик ишларини бирнеча йўналишларда қизғин олиб боришаётир.



— Хозиргача сайловчилар рўйхатга олиниб, компьютерга киритилмоқда, — дейди комиссия раисининг ўринбосари, коллеж бўлими раҳбари Лола Ҳакимова. — Комиссия аъзолари хонадонма-хонадон айланиб, унга аниқлик киритишяпти. Айни пайтда ётиқли беморлар ҳам ҳисобга олиб чиқилаётир. Сайлов кун улар яшайдиган хонадонларга кўнча қутиларни олиб борувчи комиссия аъзоларини ҳам белгилаб қўйдик.

Сайлов участкасида она-бола ва тиббиёт хо-



налари жиҳозлаб қўйилган. Коллеж мажлислар залида сайловчилар учун суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилган. Машраб Нисёев, Нафиса Душаева, Нарги-

за Султонова, Зулхумор Сулаймонова сингари фидойилар бундай тадбирларни уюштиришда фаол иштирок этишаётир.

Мурод ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА:

компьютерда сайловчилар рўйхатига аниқлик киритилмоқда; сайлов участкаси ҳамиша ғавжум.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЧЕМПИОН ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ТАҚДИРЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, Туркиянинг Анталиа шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси саккиз учрашувнинг барчасида ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 ноябрда қабул қилинган Фармонида биноан ана шу терма жамоа аъзоларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Тошкентда 23 ноябрь кунини жаҳон чемпионлари футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасини шарафлаш маросими бўлди.

Тадбирда юртимизда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилганлиги алоҳида таъкидланди. Ҳақимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида ҳар йили барча қулайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб,

болчиларини 4:2 ҳисобида доғда қолдирди. Кейинги ўйинларда Сьерра-Леоне, Эрон, Нигерия, Украина, Либерия, Туркия футболчилари устидан ҳам ишончли ғалабага эришди. Финал учрашувиде эса уч қарра жаҳон чемпиони – Россия футболчилари ҳамюртларимизнинг 2:1 ҳисобидаги устунлигини тан олди.

Спортчиларни тақдирлаш маросимида футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийси Анвар Исмоиловга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» ва бир гуруҳ ногирон футболчиларга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари ҳамда жаҳон чемпионлигига эришган мазкур жамоага Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғвири – «ISUZU» автобуси тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев топширди.

(Давоми 4-бетда).

Ижтимоий ҳимоя йилида мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор янада кучайди.



ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида пенсионер ва ногиронларга қарийб 406 миллион, кам таъминланган оилаларга 310 миллион, ёлғиз кексаларга эса 195 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга тўрт минг бошдан зиёд қорамол тарқатилди. Вилоятда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш изчил давом этмоқда.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини арафасида ташкил этилган навбатдаги учрашувда шу ҳақда сўз борди. Унга икки ўз нафарга яқин ногирон, уруш ва меҳнат фахрийси ҳамда жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Н. Насимов ва бошқалар Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга

алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Учрашув иштирокчилари пойтахтимизда истиқол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишишди. Хусусан, қисқа муддатда барпо этилган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуини зиёрат қилдилар. Уларга ҳомийларнинг соғвоналари топширилди.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуани зиёрат қилишни анчадан бери ният қилиб юрган эдик, — дейди ўртаччилик Худойберди бобо Шаметов. — Ниятимга етдим. Бу ерда янгидан барпо этилган масжид ва қайта таъмирланган тарихий обидалар ҳамда шаҳримизнинг бошқа жойларида қад рўстлаган замонавий иншоотларни кўриб, қалбимизда фахрга тўлди. Шундай дорилмомон кўнларга етказгани учун Яратганга шукроналар келтирдик!

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

СУРАТЛАРДА:

зиёрат пайтидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ВАКОЛАТХОНА ОЧИЛДИ

■ **"ЛУКОЙЛ Оверсиз" компанияси "Кандим-Хауза-Шоди-Қўнғирот" лойиҳасига кўра маркетинг компаниясини тузди ва Тошкентда ваколатхонасини очди.**

Нефть ва газ харидорлари ўртасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маҳсулотни қайта ишлаш жараёнларида иштирок этиш, ўзаро шартномалар тузиш ва унинг ижросини таъминлаш, банк ҳисоб-китобларини юритиш, товар ва пул оқимларини бошқариш мазкур компания зиммасига юклатилгандир. Компания даст-

лабки хом ашёни жорий йил охирида Бухородаги газ қонини ишга туширилиши билан сотувга чиқаришни режалаштиргандир.

Маркетинг компанияси ўрта муддатга белгиланган истиқбол режасига кўра тайёр маҳсулотни республиканинг ички бозорига ва экспортга чиқаради.

"Туркистон-пресс".

■ **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтидасил ва ўпка касалликларини келиб чиқишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги замонавий технологияларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон фтизиатрлари ва пульмонологлари илмий жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Олимларимиз бу борада ўпка сили билан бир қаторда суюқ-бўғимлар, лимфа туғунлари ва урологик аъзолардаги ана шундай хасталиклари даволашнинг ҳам кўплаб янги технологияларини ишлаб чиқмоқдалар. Термография, эхоостеометрия, молекуляр спектроскопия сингари янги ташхис қўйиш усуллари, радикал қайта тиклаш жароҳлик муолажалари бунга мисол бўла олади. Ушбу даволаш амалиётларини бажаришда замонавий тиббий техника ва технологиялардан кенг фойдаланилмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда ана шу йўналишда амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар, фтизиатрия ва пульмонология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, сил ва ўпка касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ҳамда даволашга замонавий ёндашувлар тўғрисидаги маърузалар тингланди. Тадбир катнашчилари институт хузурида ташкил этилган, замонавий тиббий-асбоб ускуналар билан жиҳозланган янги референс лаборатория фаолияти билан танишдилар.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза мухбири.

ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида жорий йилнинг 14 ноябрдан 22 ноябрга қадар Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиб қайтган ўзбекистонлик саккиз нафар тадбиркор аёллар билан учрашув бўлиб ўтди.

Бу йилги конференцияда тадбиркор аёлларимиз тикувчилик, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, пахтани қайта ишлаб гиламчилик, тўқувчилик, нон ва нон маҳсулотлари, табиий мочаладан тайёрланган маҳсулотлар, миллий ҳунармандчилик, заргарлик маҳсулотларини намойиш этишди.

"Туркистон-пресс".

Фармон Ва ижро ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

■ **Мамлакатимизда инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш ҳамда устувор масала бўлиб келган. Айниқса, истиқлол йилларида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида олди берилаётган туб ислохотлар янги босқичга кўтарилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур ҳужжатнинг узвий давоми ҳисобланган Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлгани шубҳасиз.

Вилоят марказий шифохонасида бўлиб ўтган анжуманда мазкур Фармон ва Қарордан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар хусусида атрофлича сўз борди. Унда марказий шифохонанинг малакали шифокорлари, соҳа мутахассислари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари мутасаддилари иштирок этидилар.


Таъкидланганидек, мазкур муҳим меъёрий ҳужжатларнинг асосий мазмун-моҳияти соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини ислох қилиш барибарабди, иктисослаштирилган илмий марказлар тармоғини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилган

Бу омиларнинг ҳаммаси, пировардида, ёнилга сарфланадиган маблағни икки баравардан кўпроқ тежаш, двигателнинг хизмат муддатини 30-40 фоиз, мой ва свечаларни 2 баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, улар таъмирлашга кетадиган харажатлар ҳам камаяди. Мисол тариқасида 1 литр бензин 710 сўм, газ 420 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғли иқтисодий самара бериши ойдинлашади. Масалан, "Нексия" автомобили 100 км.га 9 литр бензин сарфласа, газни эса 9,9 литр сарфлайди. Айтилик, қунига 150 км. юрлса, бир йил давомида 1 миллион 6 минг 830 сўм тежаб қолинади.

Газнинг иқтисодий тежамлилигидан ташқари бошқа афзалликлари ҳам мавжуд. Масалан машина салонидан туриб, йўл-йўлақай автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти бор. Газ тизимининг таъминот қисмида нозоқликлар вужудга келганда ҳам автомобиль харакатдан тўхтамайди. Бундан ташқари, автомобилнинг газ баллонни қўрсатмоқда. Демак, газдан фойдаланиш экологини яхшилашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки, каталитик заҳар ҳисобланган моддалар газ ёнилгиси таркибиде деярли йўқ. Аксарият ҳайдовчилар да газнинг баллонда босим остида сақланиши дизель ва бензин ёнилгисига қараганда анчагина хавфли, деган фикр мавжуд. Аслида бундай ҳақиқат. Газ баллонлар анча хавфсиздир. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини

Агар газдан тўғри фойдаланилса, резинали мосламаларнинг фойдаланиш муддати беш йилга узаёди.

Яна бир жиҳат: баллонли газ ускуналари автомашинани олиб қочиш (угон) ҳолларига ҳам чек қўяди. Осонгина есга бўладиган коммунаторни узиб қўйсангиз, бас, ҳар икки тур ёнилгининг узатиш йўли батамом



бекилади, мотор ўт олмайди.

Маълумки, автомобиллар атмосферага тонналаб заҳарли моддалар чиқаради. Тахлиллар республикамизнинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи газлар автомобиллар ҳиссасига тўғри келадиганини кўрсатмоқда. Демак, газдан фойдаланиш экологини яхшилашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки, каталитик заҳар ҳисобланган моддалар газ ёнилгиси таркибиде деярли йўқ. Аксарият ҳайдовчилар да газнинг баллонда босим остида сақланиши дизель ва бензин ёнилгисига қараганда анчагина хавфли, деган фикр мавжуд. Аслида бундай ҳақиқат. Газ баллонлар анча хавфсиздир. Улар ёрилиш ёки портлаш хавфини

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭКОЛОГИК ТОЗА, АРЗОН, ТЕЖАМЛИ

«BMW» фирмаси автомобиль корпусининг шикастланиш хавфини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, автомобильнинг газ ускунаси жойлашган қисмида шикастланиш хавфи атиги 1-5 фоиз атрофида экан.

Америка газ ассоциациясининг статистик маълумотларида таъкидланишича, газ билан ишлайдиган 2400 автомобилдан 10 йил мобайнида мунтазам фойдаланилган. Улар жами 280 млн. йўл босган. Шу вақт давомида 1360 та тўқнашув юз берган. Шундан 180 та ҳолатда автомобильнинг газ баллонни жойлашган қисми эзилгану, газ баллонни шикастланмаган ва бирорта ҳам нохуш воқеа рўй бермаган. Худди шундай бешта ҳолатда эса бензинли автомобилларнинг аланга оли-

ши кузатилган.

Ҳайдовчиларда газ баллон қурилмасини ўрнатиш учун қайси фирма маҳсулотидан фойдаланган маъқул, деган табиий савол туғилди. Беларусда ишлаб чиқарилган, анча кенг тарқалган мосламаларда қатор камчиликлар кўзга ташланмапти. Бу мосламалар фойдаланувчиларнинг айтишича, арзон-

Сифати жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилмаса-да, аммо Голландия маҳсулоти Италияникига қараганда қимматроқ. Умуман олганда, турли фирма маҳсулотлари бир-бирдан кам фарқ қилади. Техник қисмларидаги фарқларни асосан профессионал усталаргина билдиладилар. Шунга қарамай, билиб қўйиш керак бўлган

лиги билан истеъмолчини жалб қилса-да, дастлабки километрларда бир маромда ишламаслиги, доимий назорат талаб қилиши, ёнилгини кўп сарфлаши ва тезда ишдан чиқиши турли нуқулаларни туғдирмоқда.

Ўзбекистон бозорига «Samsung» савдо белгиси остида ҳам шундай мосламалар кириб келган эди. Аммо фойдаланиш жараёнида газ резервуарларида кўплаб механик бўғалмалар билан боғлиқ камчиликлар аниқланди. Бу ҳолат эса ушбу қисмининг деформациясига олиб келади. Юқори босимда эса деформацияга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ўнг яхши газ баллон мосламаси ишлаб чиқарувчилар сифатида Голландия ва Италия фирмаларини эътироф этишимиз мумкин.

баъзи жиҳатлар бор. Масалан, «ЛОВАТО» фирмасининг редукторлари 2 литргача бўлган двигателларда яхши ишлайди. Уларни катта ҳажмдаги моторларда ҳам ишлатиш мумкин. Тузилиши бошқа фирма маҳсулотларига қараганда анча содда. Лекин улар ҳам мотордаги газнинг совитиш тизими ва ҳавонинг зичлашиб қолиш хавфидан мустасно эмас. «Tartari», «Landi Renzo» юксак самарадорлиги ва ишончилиги билан ажралиб туради. Лекин бугунги кунда газ баллон қурилмалари орасида BRC Gas Equipment MTM (Италия) маҳсулотига тенг келадигани топиламапти.

Ҳақиқатан ҳам италияликлар ишлаб чиқарган ушбу қурилма бошқа компания мосламаларига ҳар томон-

лама ўрнат бўла олади.

Бу борада самарали ишлаётган «INTERMOBILGAZ» масъулияти чекланган жамияти автомашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қўйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланади. У BRC, BRC Gas Equipment (Италия) компаниясига қарашли бўлиб, баллонли газ ускуналарини ўрнатувчи тезкор диллердир.

BRC Gaz Equipment тамгаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати ва кенг диллерлик тизими билан бутун жаҳонга маълум ва машҳурдир. Бугунги кунда у ўз ускуналари ва бутлама (комплект)ларини Европанинг кўплаб мамлакатларига пешма-пеш етказиб бermoқда. Экологик хавфсизлик бўйича «ЕВРО-3», «ЕВРО-4» талабларига мос.

Хозир Тошкентда 13 та автомобилларга газ қўйиш шохобчаси ишлаб турибди. Яна ўндан ортиқ шундай шохобчалар қурилмоқда.

Компания мижозлари Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бermoқда.


Юртимиздаги юзга яқин катта-кичик идора, муассаса ва корхоналар автоҳўжаликлари бу борада доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Автомобилларга газ баллонлари ўрнатган газ газ қўйиш шохобчаларидан фойдаланётган фуқаролар сафи кун сайин кенгайиб бора-япти.

Муртазо СУЛТОНОВ,
«ИНТЕРМОБИЛГАЗ»
компанияси директорлар
кенгаши раиси, иқтисод
фанлари номзоди.

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ»ДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР


Бекобод цемент заводида корхонани модернизациялаш мақсадида амалга оширилган бир қатор тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш қуввати бир неча ўн баравар ошди. 1995 йилда завод «Бекободцемент»

очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Ўша йилларда хом ашё таъминотида жиддий муаммоларга дуч келинганди. Бироқ, шунга қарамай, корхона барқарор ишлашда давом этди.



Таъкидлаш жоизки, 1999 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятида цемент ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортиб бораётгани кузатилмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг Янги ва Фарҳод ГЭСлари, Фарғона ва Сирдарё иссиқлик станциялари, Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент аэропорти ва бошқа кўплаб йирик объектлар қурилишида «Бекободцемент» маҳсулотлари кенг қўламда қўлланилди.

«Бекободцемент»нинг матбуот хизмати корхона бош директори ўзгарганлигини маълум қилди. Янги раҳбар Сергей Никитин бу лавозимга тайинланганига қадар Россиядаги Новотроицк цемент заводида узоқ йил ишлади. У кўйдириш цехининг оддий устасидан корхона директори-гача бўлган меҳнат жараёнини босиб ўтди. С. Никитиннинг чорак асрдан зиёда даврда ортирган бой тажрибаси



«Бекободцемент» корхонасидаги туб ўзгариш ва юксалишларга туртки бўлди.

Янги раҳбариятнинг келиши билан ушбу мўлжалланган режасида корхонани модернизациялаш ва ишлаб чиқариш қувватини янада оширишни давом эттириш назарда тутилган. Хусусан, бир кеча-кундузда 2500 тонна клинкер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги линия қуриб, ишга туширилди. Бу линия қуришларини «Бекободцемент» акциядорлик жамиятида биринчи марта янги технология асосида ишлаб чиқариш имконини беради. Хозирча, 2008 йилда жами 860 минг тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Республиканинг энг йирик корхоналаридан бири бўлган бу акциядорлик жамиятида акциядор ва раҳбариятнинг ўзгарганлиги қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш тармоғининг янада барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Ишонч билан айтиш мумкинки, завод ишчи-хизматчиларининг касб малакаси ва маҳоратини ошириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. «Бекободцемент»да юз берган бундай ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашни муккаддас.

Маълумки, бу икки мамлакат ўртасидаги алоқа Ўзбекистон Президентининг оқилона раҳбарлиги остида изчил тараққиёт йўлига ўтди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси доирасида Россиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияси яқин йиллар ичида икки миллиард доллардан ошиши мумкинлиги ҳамда қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик борасида катта салоҳият мавжудлиги, шу боис уни ишга солиш устувор вазифа сифатида таъкидлангани ҳам беҳиз эмас. Кўрииб турибдики, бундай таъкидлардан сўнг «Бекободцемент» акциядорлик жамиятида россиялик инвесторларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолатдир.

Микрокредит:

ИШ ЎРИНЛАРИ УЧУН КАФОЛАТ

■ **Оққўрғон тумани меҳнаткашларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга «Микрокредитбанк»нинг Оққўрғон туман филиали амалий ҳисса қўшмоқда.**

Бу йил жами 4 миллион 100 миллион сўм миқдорда микрокредит ажратилган бўлиб, ҳозир барча йўналишлар бўйича талабгорларга етказилмоқда. Ёш оилалар учун ҳозиргача 207 миллион сўм микрокредит берилди. Тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 130 миллион сўмдан ошди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимиз, банкимиз томонидан берилаётган кредитлар, энг аввало, туманимизда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилмоқда. Янги очилган тадбиркорлик субъектлари учун бошланғич сармоя сифатида 63,4 миллион сўм, юридик шахсларнинг айланма маблағларини шакллантириш учун 103,6 миллион сўм, кишлоқ ҳўжалик техникасини сотиб

олиш мақсадида 240,1 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Муассасаларнинг томонидан ана шундай кредитларнинг изчил бериб борилиши натижасида 2007 йил давомида туманимизда 500 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан амалга оширилаётган ишларимиз ҳам сезиларлидир. Чунонки, меҳнат ва бандлик фонди маблағи ҳисобидан 10 та оилага 10,2 миллион сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан эса 42 та оилага 49,4 миллион сўм миқдордадаги микрокредит қорамол сотиб олиш учун берилди.

Филиалимизда мижозлар учун барча турдаги кредитлар мўхайё. Улар бу кредитлардан умумий фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозир банкимиз бошланғич сармояни шакллантириш

мақсадида 18 ой муддатга йиллик 5 фоизли 50 минимал иш ҳақидан 200 минимал иш ҳақиғача бўлган кредит, айланма маблағини шакллантириш ва бизнесни ривожлантириш учун йиллик қайта молиялаштириш ставкасида 2 йил муддатга 500 минимал иш ҳақиғача бўлган кредит ҳамда қайта молиялаштиришнинг 50 фоиз ставкасида 3 йил муддатгача бўлган 2000 минимал иш ҳақи миқдорда бериладиган микрокредитлар ажратилади. Демак, бу биз билан ҳамкорлик қиладиганлар учун катта имкониятдир.

Мақсадимиз эса ўз хизматимиз билан чекка ҳудудларга кириб бориб, янги иш ўринларини яратиш ва кишлоқ шароитида ҳам кичик бизнесни ривожлантиришдан иборатдир.

Анвар МИРХОЛИҚОВ,
акциядорлик-тиҳорат
«Микрокредитбанк»нинг
Оққўрғон туман
филиали бошқарувчиси.

Ёнғун хавфсизлиги оёлиги

ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Вилоят ИИБ ёнғун хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фазилатлиги асосан ўтказилаётган «Ёнғун хавфсизлиги оёлиги» тадбирлари доирасида 417 та халқ ҳўжалиги объектлари, 95 та мактаб, 58 та болалар боғчаси, 10 та меҳрибонлик уйи ва мактаб интернат, 46 та олий ва ўрта махсус таълим, 131 та даволаш муассасалари, 2152 та хонадон ва 319 та қўп қаватли уйларнинг ёнғунга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Шу жараёнда ёнғун чиқиш хавфи бўлган 27 та объект, цех ва алоҳида хоналарнинг фаолияти камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатилади. 273 та носоз, ёнғун чиқиш хавфи бўлган газ ва электр қурилмалари ўчириб қўйилиб, ёнғун хавфсизлиги қоидаларини

бузган 114 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, тегишли идоралар билан ҳамкорликда текширувлар ўтказилиб, 207 та трансформатор подстанцияси, 241 та газ тақсимлаш пунктларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Аҳоли орасида ёнғун хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилиш мақсадида умумтаълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатлар, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда маданият муассасаларида, маҳаллаларда аҳоли билан жами 260 дан зиёд учрашувлар ўтказилди. Шаҳар ва туман марказлари ҳамда йирик корхона, ташкилот ва ўқув юртиларида 191 та панно ўрнатилди, 10 мингдан ортиқ эслатмалар тарқа-

тилди. Кўплаб телекўрсатув ва радиокўрсатувлар уюштирилди ва газеталарда мақолалар chop этилди.

Вилоят ҳудудидаги халқ ҳўжалиги корхоналари, мактаб, боғча, шифохона ва маҳаллаларда 695 та ёнғун хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Жойларда газ ва электр тармоғи корхоналари, милиция профилактика нозирлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари билан биргаликда 21 та махсус гуруҳлар тузилиб, улар томонидан рейдлар ўтказилмоқда. Рейдлар давомида газ тизимига ўзбошимчалик билан ноқонуний уланган 6 та, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилаётган 8 та тармоқ аниқланиб, газ ва электр манбаидан узиб қўйилди, керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мутасадди идораларга топширилди, 162



та носоз ва резина иланг орқали уланган газ ускуналари ўчириб қўйилди. «Ёнғун хавфсизлиги оёлиги» доирасидаги амалий чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, «Электримёсаноат» корхонасининг маданият саройида шаҳар умумтаълим мактаблари ўқувчилари,

коллек ва лицей талабалари билан учрашув ўтказилиб, ёнғун хавфсизлиги тартиб-қоидалари тушунтирилди. Шунингдек, ёнғунни ўчиришда ишлатиладиган барча техника воситаларининг тузилиши ва улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари амалда намойиш этилди.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

| ДУШАНБА 26
 | СЕШАНБА 27

 | ЧОРШАНБА 28
 | ПАЙШАНБА 29
 | ЖУМА 30
 | ШАНБА 1 | ЯКШАНБА 2 |

--

--

---|---|-----------|
| <div><div><div>O'ZBEKISTON</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
Т/с.
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Тахлилнома».
8.50 «Замин гаройиботлари».
9.15 «Болалар дунёси». «Ғарбга саяхат» М/с.
10.30, 17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
10.35 «Муҳрланган лаҳзалар».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гиллам».
13.05 «Ҳамон ёдимда».
13.45 «Кўхна оҳанглар».
14.20 «Ватанпарвар».
15.20 «Бир кун».
15.50 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кузги боғ».
17.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
18.50 «Кўнгил одами».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
20.05 «Мухаббат» (SMS. Овоз бериш).
20.15 «Рамаяна» Т/с.
<div><div><div>YOSHLAR</div><div>7.00, 14.00 «Янги тонг».
8.00 Т/с «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз музыкаси».
8.40 «Мўйлаблар».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар ҳазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Чемпион сирлари».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайди».
12.55 «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пойтахти».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.45 Т/с «Пуаро».
15.35, 20.40 «О, ёшлигим».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Узга сайерлар».
16.50 «Ихтимой химоя йили»га бағишланади: «Муруват».
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Винни-Пух» М/с.
17.30, 23.00 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар ҳазинаси».
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда».
19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Муслик лаҳза».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 Т/с «Алия».
21.45 «Радиодан курсатамиз!».
21.55 «Yoshlar» анкетаси.
22.30 «Қомусим!».
22.35 «SMS-музыка».
22.55 «Телетухфа».
23.00 Т/с «Денгиз ҳукмдори».</div></div></div></div><div><div><div>TOSHKENT</div><div>7.55 Мультфильм. «Шукре ва Байта».
18.05, 21.50 «Телекурер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Камилла». Телесериал.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Репортаж».
20.20 «Милларос». Телесериал.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Дневник Недели моды и дизайна».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Х/ф «Первый рыцарь».</div></div></div><div><div><div>SPORT</div><div>18.00 «Полнонож».
18.20 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Муслик тайм».
19.10 «Тет-а-тет».
19.20 «Спортимиз маликалари».
19.40 Шарқ якжакурашлари ва жанг санъати фестивали.
20.00 «Жди меня».
20.50 «Футбол шарҳи».
21.50 «Красные бега». Х/ф.
23.20 ПроФРИНГ.</div></div></div></div><td><div><div><div>O'ZBEKISTON</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
Т/с.
7.50, 13.55, 21.50 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Замин гаройиботлари».
9.05 «Цирк, цирк, цирк».
9.30 «Икки дарё оралиғида».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 Марказий сайлов комиссияси хабарлари. «Сайлов — демократия кўзгуси».
10.30 «Боқий Самарқанд».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.50 «Минг бир ривоят».
11.20 «Ўзбегим ҳаёти».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Оҳанрабо».
15.05 «Одамлардан бири».
15.25 «Тарих кўзгуси».
15.50 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 «Имконият».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
18.50 «Менинг университетим».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с.
21.30 «Сайлов-2007».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Рамаяна» Т/с.
<div><div><div>YOSHLAR</div><div>7.00, 14.00 «Янги тонг».
8.00 Т/с «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз музыкаси».
8.40 «Мўйлаблар».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар ҳазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Чемпион сирлари».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайди».
12.55 «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пойтахти».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.45 Т/с «Пуаро».
15.35, 20.40 «О, ёшлигим».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ўлкан сайерлар».
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Винни-Пух» М/с.
17.30, 23.00 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар ҳазинаси».
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда».
19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Муслик лаҳза».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Автоматруль».
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Yoshlar» анкетаси.
22.30 «Қомусим!».
22.35 «SMS-музыка».
22.55 «Телетухфа».</div></div></div></div><div><div><div>TOSHKENT</div><div>7.30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камилла». Телесериал.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурер-маркет».
9.25, 11.10, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.30 «Химоя».
9.40, 18.25 «Биласизми?»
9.50, 21.45 «Уйларим».
9.55 «Репортаж».
10.05, 19.25 Музыка SMS.
10.30, 20.20 «Милларос». Телесериал.
11.00 «Интервью».
11.15 Х/ф «Первый рыцарь».
17.55 Мультфильм. «Шукре ва Байта».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревю».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Дневник Недели моды и дизайна».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Х/ф «Зависть».</div></div></div><div><div><div>SPORT</div><div>7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 21.30 «Хабарлар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.20 «Белоскопская резиденция в Веревурге». Д/ф.
9.30 «Малахов +».
9.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Лыжные гонки.
15.00, 20.55, 22.55 Футбол. «Пахтакор» — «Машаъл».
17.00 «Ким нимага қодир?».
17.20 Гандбол.
18.00 «Мастер класс».
18.15 «Муслик тайм».
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Новая экономика».
19.35 «Продоление».
20.00 «Капкан». Серил.
21.50 Футбол. Евро-2008.
23.25 «Река надежды». Серил.</div></div></div></div><td><div><div><div>O'ZBEKISTON</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
Т/с.
7.50, 13.55, 17.15, 21.50 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Замин гаройиботлари».
9.05 «Ғарбга саяхат» М/с.
9.30 «Икки дарё оралиғида».
9.55 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.15 «Қорақалпоқнома».
10.35 «Табаррук замин».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с.
11.50 «Дўппи».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с.
14.20 «Оддий ҳақиқатлар».
15.05 «Қишлоқ ҳаёти».
15.25 «2007 йил — Ижтимоий химоя йили», «Эъзоз».
15.45 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 Ю. Ражабий номидаги маком ансамблининг концерти.
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
18.50 «Хидоят сари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
21.30 «Сайлов — 2007».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Рамаяна» Т/с.
<div><div><div>YOSHLAR</div><div>7.00, 14.00 «Янги тонг».
8.00 Т/с «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз музыкаси».
8.40 «Мўйлаблар».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар ҳазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Интерфутбол».
11.40, 22.35 «SMS-музыка».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Сув ҳам тугайди».
12.55 «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пойтахти».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.45 Т/с «Пуаро».
15.35, 20.40 «О, ёшлигим».
15.40 «Мулки мумтоз».
16.10 «Мўжизавий дунё» туркумидан: «Ўлкан сайерлар».
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Винни-Пух» М/с.
17.30, 23.00 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.45 «Ажойиботлар ҳазинаси».
18.50 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
18.55 «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 15 ёшда».
19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Муслик лаҳза».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 Т/с «Алия».
21.45 «Радиодан курсатамиз».
21.55 «Yoshlar» анкетаси.
22.30 «Қомусим!».
22.35 «SMS-музыка».
22.55 «Телетухфа».</div></div></div></div><div><div><div>TOSHKENT</div><div>7.25 Программа передач.
7.30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камилла». Телесериал.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурер-маркет».
9.25, 11.20, 19.20 «ТВ юрист».
9.30 «Саломат бўлинг».
9.50, 18.25 «Биласизми?»
9.55 «Уйларим».
10.05 Музыка SMS.
10.30, 20.20 «Милларос». Телесериал.
11.00 «Репортаж».
11.10, 17.55 «Афиша».
11.25 Х/ф «Я остана».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.25 Музыка SMS.
20.15 «Муслик аслух».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Дневник Недели моды и дизайна».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Х/ф «Мистицизм».</div></div></div><div><div><div>SPORT</div><div>7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.20 «Белоскопская резиденция в Веревурге». Д/ф.
9.30 «Малахов +».
9.30 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Лыжные гонки.
15.00, 20.55, 22.55 Футбол. «Пахтакор» — «Машаъл».
17.00 «Ким нимага қодир?».
17.20 Гандбол.
18.00 «Мастер класс».
18.15 «Муслик тайм».
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Новая экономика».
19.35 «Продоление».
20.00 «Капкан». Серил.
21.50 Футбол. Евро-2008.
23.25 «Река надежды». Серил.</div></div></div></div><td><div><div><div>O'ZBEKISTON</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 18.00 «Турмуш
чорраҳаларида».
Т/с.
7.50, 13.55, 17.15, 21.50 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40 «Замин гаройиботлари».
9.05 «Ғарбга саяхат» М/с.
9.30 «Икки дарё оралиғида».
9.55 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.15 «Қорақалпоқнома».
10.35 «Табаррук замин».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлгон» Т/с.
11.50 «Дўппи».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси» Т/с.
14.20 «Оддий ҳақиқатлар».
15.05 «Қишлоқ ҳаёти».
15.25 «2007 йил — Ижтимоий химоя йили», «Эъзоз».
15.45 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
16.40 Ю. Ражабий номидаги маком ансамблининг концерти.
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».
17.55, 20.50 «Минг бир ривоят».
18.50 «Хидоят сари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
21.30 «Сайлов — 2007».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Рамаяна» Т/с.
<div><div><div>YOSHLAR</div><div>7.00, 14.00 «Янги тонг».
